*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: экономикага раҳбарлик*

# ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

Мамлакатимизда қайта қуришнинг энг масъулиятли даври бошланди. Дастлабки босқичда инқилобий ўзгаришларнинг назарий асослари, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ишлаб чиқилди, меҳнат коллективларида психологик муҳит юзага келтирилди. Энди қайта қуриш амалий ишларда ўз ифодасини топиши керак. Шу боисдан завод ва фабрикаларда, бригадаларда, ҳар бир иш жойида партия режаларини амалга ошириш учун қизғин кураш кетмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь пленумининг қарорида таъкидланганидек, экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартидир. Унинг мазмун ва моҳияти партия тарихий ҳужжатларида батафсил баён этилган. Хўжалик механизмини тубдан ўзгартириш экономиканинг асосий бўғинидан бошланганлиги қонунийдир. Айни пайтда меҳнат коллективларининг ташаббуси ва масъулиятини ошириш керак. Бошланғич партия ташкилотлари барча ўзгаришлар жараёнига бошчилик қилишлари, одамларга тушунтиришлари, истиқболни кўрсатиб беришлари даркор. Мақсадга эришишда ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаётган корхоналарнинг дастлабки тажрибаларидан унумли фойдаланиш жуда муҳим.

Шу йил январидан Давлат корхонаси тўғрисидаги қонун кучга кирди. Заводимизда янгича шароитда ишлашга қизғин тайёргарлик кўрилди. Партия ташкилотлари, коммунистлар ишчи ва хизматчиларга партия режалари моҳиятини кенг тушунтириб, уларни ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват этдилар. Ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъий назар, шуни яхши тушунди: экономикани ислоҳ қилиш мамлакат кучқудратини мустаҳкамлаш, халқ моддий фаровонлигини оширишнинг бош омилидир.

Яқинда «Ташсельмаш» заводи ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлади. Босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, ҳали азамат пахтакорларимиз олдида қарздор эканлигимизни чуқур ҳис этдик. Сабоқлардан хулоса чиқариб, асосий эътиборни деҳқонларимизга маъқул ва манзур бўладиган юқори унумли пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришга қаратмоқдамиз. Сифат ва самарадорликни таъминлашда давлат қабулининг роли бениҳоя катта бўлмоқда. Кейинги вақтларда ҳал қилувчи бўғинларда меҳнат интизоми мустаҳкамланди, машинасозларнинг топширилган иш учун масъулияти кучайди. Ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Натижада планлар муваффақиятли бажарилаяпти. Ташсельмашчилар уч кварталдан буён СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келишаяпти. Бу мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, илғор иш усулларини кенг жорий этиш шарофатидир.

Ҳозирги кунда заводимизда 280 та бригада бўлиб, уларнинг 40 проценти хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Бригада, бригадирлар кенгашлари ишнинг жиловини қўлларига олишган. Тадбирларнинг таъсирчанлиги туфайли қувончли меҳнат ютуқларига эришилмоқда. Ўтган йили миллион-миллион сўм иқтисодий самара олинди, 200 ишчи бошқа участкаларга ўтказилди. Меҳнат унумдорлиги қарийб 30 процент, бригадаларда иш ҳақи 20 процент ошди.

Инқилобий ўзгаришлар меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг ходимлари Х. Халилов, В. Шмах, Л. Агишев ўртоқларнинг ишларига ҳам янги мазмун бахш этди. Махсус комиссия ишчилар, инженер-техник ходимларни мукофотлашнинг янги шартларини ишлаб чиқди. Энди кимга қанча ҳақ тўлаш, кимни имтиёзлардан маҳрум этишни бригаданинг ўзи ҳал этади. Буларнинг ҳаммаси ошкоралик, демократия асосида амалга оширилаяпти.

Асосий ишлаб чиқариш бўғини — бирлашма ва корхоналарни тубдан қайта қуриш экономикани марказлаштирган тартибда бошқариш органларининг фаолиятига нисбатан сифат жиҳатидан янги талаблар қўймоқда. Демак, қайта қуриш комплекс тарзда: ҳам юқоридан, ҳам қуйидан амалга оширилиши, ижтимоий турмушнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олиши жуда муҳимдир. Мақсадга эришиш учун сийқа усуллардан батамом воз кечиш керак. Афсуски, баъзида планларга тузатиш киритиш, уларнинг номутаносиблиги давом этаяпти. КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда таъкидланганидек, машинасозлик корхоналарининг иши, уларни модернизациялаш, янги юқори сифатли техника ишлаб чиқаришни тубдан ўзлаштириш ҳақида партия ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари лозим. Коллективимизда бу муҳим ишда муайян силжишларга эришилган бўлса-да, хотиржамланишга вақт эрта. Одамларнинг кайфиятини кўтариш, иш шароитини яхшилаш, илғорларни муносиб рағбатлантириш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак.

Шу йил июнь ойида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўтказилади. Заводимиз коммунист ва комсомоллари бу унутилмас кунни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун сидқидилдан тер тўкмоқдалар. Улар яхши ишлаш билан бирга янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари билан майдонга чиқишаяпти. 1-қуюв ҳамда 15-механика йиғув цехлари меҳнатсеварлари «Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига — 19 зарбдор ўн кунлик!» шиорини илгари сурдилар. Ният — партия конференцияси очиладиган кунга 1988 йилнинг олти ойлик топшириғини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича адо этиш.

Хайрли ҳаракат қизғин қўллаб-қувватланди. Саидкарим Ғуломов бошлиқ слесарлар бригадаси ярим йиллик планни 28 июнгача бажариш, меҳнат унумдорлигини топшириққа нисбатан 1 процент ошириш, камчиликларга барҳам беришга қатъий аҳд қилди.

Социалистик мусобақанинг илҳомбахш кучи шарофати туфайли оддий ишчилар орасидан беш йиллик зарбдорлари етишиб чиқмоқдалар. Пайвандчи Дмитрий Атаманов — уларнинг бири. У заводга келганида кўникма ҳосил қилмаган йигитча эди. Тажрибали ишчилар Дмитрийни оталиққа олишди. Касб сирларини қунт билан ўргатишди. Янги йил арафасида Д. Атаманов мусобақадоши В. Шумицкий билан конференция очиладиган кунгача беш йилликнинг уч йиллик топшириғини бажаришга сўз берди. Мусобақа кун сайин қизғин тус олаяпти.

Завод дирекцияси, партия комитети инсон омили ҳақида алоҳида қайғурмоқда. Оммавий-сиёсий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилаяпти. КПСС аъзоларининг роли, обрў-эътибори тобора ортмоқда. Ҳар бир цехда соғлом, ижодий муҳит мустаҳкам қарор топмоқда.

**В. КЛЕМЕНТЬЕВ,**
**«Ташсельмаш» заводи мутахассиси.**

---

**БУХОРО ОБЛАСТИ. Пешку районидаги «Пешку» совхози чорвадорлари 490 тонна сут етиштириб, юбилей йили планини ортиғи билан уддалаган эдилар. Илғорлар янги йилни ҳам янги муваффақият билан бошлашди. Қиш чилласи бўлишига қарамай қатъий рацион асосида боқилаётган, яхши парвариш қилинаётган говмишлардан кунига 8—9 литрдан сут соғиб олинаяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Илғор молбоқарлар О. Тўраев ва Ж. Раҳимов. 2. Пешқадам сигирсоғарлардан М. Нарзуллаева ва Р. Ризаева бугунги соғимдан мамнундирлар.**

П. ЭРГАШЕВ ва М. ХУДОЙҚУЛОВ фотолари.





---

## ИЛМИЙ РАЦИОН АСОСИДА

Намангандаги «Ленинград» колхози сут-товар комплексида янги йилдан бошлаб ҳар куни 3700 килограммдан ҳам ортиқ — ўтган йилгидан 660 килограмм кўп сут соғиб олинмоқда.

— Биз бундай муваффақиятга ем-хашак тайёрловчилар меҳнати туфайли эришдик, — дейди хўжаликнинг бош зоотехниги А. Қаҳҳоров. — Омборларда оқсил ва протеинга бой турли хил ем-хашак етарли ғамлаб олинган. Молларни илмий рацион асосида, режимга қатъий риоя этиб озуқлантираяпмиз. Ҳар бир соғин сигир кунига камида тўққиз килограмм сут бераяпти.

## СОВУҚ КОР ҚИЛМАЙДИ

Ҳавонинг кескин совиб кетиши Киров районидаги «Бешариқ» совхози чорвадорларига кўп сут соғиб олишда халақит қилмаяпти. Худди ёздагидек ҳар бош сигирдан 10—11 килограммдан сут соғиб олинмоқда.

Ферманинг цех системасига ўтганлиги ҳамда хўжалик ишида ихтисослашув барқарор натижаларни таъминлади. Совхозда ташкил этилган ем-хашак тайёрловчи бригадалар молларни хилма-хил озуқа билан таъминладилар. Ферманинг ўзида ем-хашак тайёрлашдан тортиб хоналарни тозалашгача бўлган барча жараёнлар механизациялаштирилган. Бу эса штатларни кенгайтирмай, икки сменали иш графигини ташкил этиш имконини берди.

Илғор система маҳсулотни анча кўпайтиришни таъминлади. Йил якунларига кўра, бу ерда ҳар бош сигирдан ўртача қарийб тўрт минг килограммдан — ўтган йилдагидан беш юз килограмм кўп сут соғиб олинди.

## ОМИЛКОРЛАР

Қўриқдаги Меҳнатобод районининг «Пахтакор» совхозида ўз вазифаси ва техника билан таъминланиши жиҳатидан ноёб механизациялашган звено иш бошлади. Звено составида махсус плуглари бўлган қудратли «Кировец» тракторлари бор. Улар тупроқни 80 сантиметргача чуқурликда юмшатиб беради. Бундан мақсад бу ердаги қатқалоққа қарши курашдир.

Бундай усулни «Голодностепстрой» территориал ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ишлаб чиқдилар ва мелиорация системалари бошқармасининг механизаторлари ўзлаштирдилар. Янги усул ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширади. Бу йил мавсумда тупроқ ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ ишлар ҳажми икки баравар кўпайтирилади.

(ЎзТАГ).

---

*Диққат: муаммо!*

# ЎСИШНИ ТЎСИШ

***ёки илғор тажриба синовдан амалиётга жорий этилмаётгани ҳақида***

### СЎМЛАРНИНГ СОВУРИЛИШИ

Булунғур райони соҳибкорлари ўтган йили давлатга мева-чева топшириш планини бажармадилар. Афсус, план тўлишига бор-йўғи 0,7 процент етмай қолди. Ваҳоланки, август ойида мутахассислар далаларни назардан ўтказишганида район социалистик мажбуриятини ҳам бажариши мумкин, деб хомчўт қилишганди.

Хўш, деҳқонлар ўз олдиларига қўйган вазифани уддалашларига нима тўсқинлик қилди? Сабаби кўп. Улардан бири— темир йўл томонидан вагонлар (махсус секцияли) ўз вақтида етказиб берилмаганлигидир. Узум узишнинг айни қизғин дамларида районга 330 та вагон етказиб беришмади. Эҳтимол, уларга олдиндан буюртма қилинмагандир? Йўқ, ҳали мавсум бошланмасданоқ ҳаммаси вақтида расмийлаштирилган.

— Район раҳбарияти турли юқори идораларга бир неча бор мурожаат этди, — деб ҳикоя қилади РАПОнинг катта агрономи Саид Нахалбоев. — Ҳатто Москвадаги марказий ташкилотларга ҳам арз-дод қилишга тўғри келди. Темир йўлчиларга республика матбуоти орқали таъсир кўрсатишга уринилди— ҳаммаси зое кетди. Улар қилт этишмади. Катта меҳнат эвазига мўл ҳосил етиштириб, маҳсулотни дуруст баҳода топширишга астойдил ишонишган деҳқонларга нима деб изоҳ беришга ҳайронмиз.

Дуруст баҳо дегани нима? Тушунтирамиз. Айтайлик, узум мамлакатнинг турли районларига жўнатиш учун юкланса, бригада ҳосилнинг ҳар килосига 80 тийиндан бир сўмгача олиши мумкин. Албатта, узум истеъмолчига яхши ҳолатда етиб борган тақдирда. Борди-ю узилган ҳосил ўттиз даражали иссиқда «қовурилса», яшикка жойлангач, пайкал четида икки-уч кун ётса, унинг қисмати фақат вино комбинати бўлади. Соҳибкорлар эса бундай маҳсулотнинг ҳар килограмми учун атиги 4 тийинга эга бўлишади.

Бундан ташқари худди ўша темир йўлнинг 30-йилларда ёзилган инструкциясига биноан вагон 100 тонна маҳсулот юклаш учун бор-йўғи 2,5 соатга берилади. Бу муддат ўтгач, совхоз ҳамёнидан жарима тўланади.

— Шундай қисқа муддат ичида платформага 11—12 мингта яшикни (бир секцияга шунча юк кетади) келтириб ва уларни 18 қаторга териб улгуриб бўпсиз, — дейди «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» совхози директори Келдибек Номозов. — Ҳозирги транспорт шароитларида кичик механизациясиз бунинг ҳеч иложи йўқ. Оқибатда шошма-шошарлик, ниҳоят, истеъмолчига янги узилган узум эмас, балки «қўлбола» шарбат етиб боради.

Раҳбарнинг эътирози ўз-ўзидан тушунарли, негаки, унинг хўжалиги фақат маҳсулотнинг қайтишидан 700 минг сўмдан зиёд зиён кўраяпти. Йилига темир йўлнинг хурмача қилиқлари (дарвоқе, бунинг учун улар жавоб беришмайди) ҳисобига район неча миллионлаб сўмларни йўқотади.

Лекин бошқа йўналишда яна бир йўқотишлар борки, улар биз юқорида ҳикоя қилгандан ҳам кўпроқ.

### «БИЗ ПУДРАТ ТАРАФДОРИ, ЛЕКИН...»

Агар газетхондан сизга узум керакми, деб сўрасангиз, ҳеч шубҳасиз, «Ҳа-да», — деб жавоб қилади. Ким ҳам ёзнинг жазирамасида ёхуд куз палласида Булунғурда етиштирилган сершира узум шингилларидан татиб кўргиси келмайди, дейсиз. Майизни-чи? Биз бу маҳсулотни хорижга валюта ҳисобида жўнатамиз. Чунончи, майиз учун чет эллик ишбилармонлар турфа хил ноёб моллар ҳисобида тўлашга тайёр туришади.

Эндиликда, ҳатто вино ишлаб чиқариш кескин қисқаргандан кейин ҳам, узум етиштириш афзалмикан?

— Афзал бўлганда қандоқ, — деб жавоб беради С. Нахалбоев. — Узум узиш ва уни ташиш муаммосини ҳал этиш керак, холос. Буни шу даражада тез бажариш лозим, чунки пудрат усулига ўтиб ишлаган соҳибкорлар келажакда бу йўлдан комил ишонч билан боришмайди. Ҳосилни қўйишга жой топилмагач, турган-битгани ташвиш бўларкан.

Нарядсиз система чиндан ҳам Булунғур райони деҳқонларига маъқул келди. Бу ерда хўжаликлар билан шартнома асосида ишлайдиган звено, бригадалар тузилди. Ҳамма жойда меҳнат ва технологик интизом мустаҳкамланди.

Лекин пудрат якуний натижаси билангина пудрат эканини унутиш ярамайди. Қилинган ишларга топширилган маҳсулот ва унинг учун олинган пул хотима ясайди. Булунғур хўжаликларида мана уч йилдирки, ишлаб чиқаришнинг жами босқичлари — давлатга маҳсулот топширишгача, энг муҳими, уни умумиттифоқ дастурхонига жўнатгунгача бўлган босқичлар— силлиқ кечади. Ҳосил йиғим-терими бошланди дегунча ҳамманинг хаёли бир фикр билан банд: маҳсулотни қандай ва қаерга сотамиз?

Илгари соҳибкорлар наряд асосида ишлаб барқарор маош олишганида бундай ташвиш йўқ эди. Узумни етиштиринг, топширинг, вассалом. Энди бригада ва звенолар маҳсулот ўз жойига етказилиши ҳақида қайғурадилар. Шунинг учун мевани биринчи навбатда умумиттифоқ фондига топшириш қулай, бу борада узум Москва, Ленинград, Узоқ Шарқ, Чекка Шимол ўлкаларига етиб бориши учун темир йўлга мурожаат қилинади.

Ҳосилнинг учдан бир қисми жўнатишга мўлжалланган. Бу оз эмас, кўп эмас— 22 минг тонна. Яна соҳибкорларга пешвоз чиқмаётган темир йўлчилар ҳақида гапиришга тўғри келади. Деҳқонлар эса уларни деб зарар кўришади.

— Етиштирилган маҳсулотни сотишда қийинчилик туғилишини олдиндан сезиб туриб пудратда ишлаш — жудаям ноқулай, — деб ҳикоя қилади «Интернационал» совхозининг 3-агроучасткаси агрономи Дамир Мурсалов. — Хўжалик ҳисоби ўз йўлига, якуний натижа нима бўлади. 1 килограмм янги узулган узум узун савдога ёки вино комбинатига 40—60 тийиндан сотиш бошқа гап. Бошқа республикага жўнатилса, янаям яхши. Лекин ваъда қилинган вагон келмаса, чириб битган маҳсулот баҳоси уч пул. Бундай ҳолда бригадалар зўрға учма-уч қилишади. Пудрат коллективлар манфаатига ана шундай муносабат хўжалик ҳисобига тўғридан-тўғри тўсиқ ўрнатиш билан тенг. Одамлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг истиқболли усулидан совийдилар. Бу ҳали бошланиши, холос, лекин шу тахлитда давом этса, нари бориб нима бўлади?

### ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ КЕРАК

Район давлатга ҳар йили 74 минг тоннадан зиёд узум ва икки минг тонна сабзавот, кўплаб миқдорда мева сотиши керак. Бу маҳсулотлар хўжаликларда нуқул қўлда йиғиштириб олинади. Шундай савол туғилади: агар деҳқонларга шаҳарлик ҳашарчилар, яъни талабалар ҳамда юқори синф ўқувчилари кўмакка келишмаса, уларнинг ўзлари етиштирилган маҳсулотни ўз вақтида узиб ва давлатга топшириб улгуришадими?

Унча мураккаб бўлмаган сарҳисобдан сўнг шундай жавоб оламиз: ҳосилни ўз кучлари билан (такрорлаймиз, ўз вақтида) йиғиштириб олишларига имкон йўқ. Ўз вақтида деганимиз бу 30 кун. Норма бўйича ҳар ишчига кунига 300 килограмм тўғри келса, бунинг учун қарийб икки ярим ой талаб қилинади. Йиғим-теримни ноябргача чўзишдан эса наф йўқ.

Бу йил ҳамиша бўлгани каби, булунғурликлар шаҳарлик ҳашарчилар кўмагига умид боғлашди. Уларга қарийб 10 минг ёрдамчи ваъда қилинганди. Бироқ йиғим-терим бошланганда на ҳашарчи, на вагон кўзга кўринади. Соҳибкорлар ўта мураккаб вазиятда қолишди. Вақт ўтиб борар, узум шингиллари шохдан тушай-тушай дер, уни узгани одам топилмасди.

Албатта, районда узум узишга жами қишлоқ аҳолиси сафарбар этилди. Бу ишга совхозларнинг ҳар бир кишиси учун узум узиш нормасини берган қишлоқ Советлари қўшилишди. Лекин ҳамон вагонлардан дарак бўлмади. Фурсат бой берилганди, кўп ўтмай ёмғир, совуқ кунлар бошланиб кетди. Узумнинг сорти пасайди, Ниҳоят, районга 4 минг нафар студент ва вагонлар келтирилганида кеч бўлганди. Кўрилган зарар юзлаб тонналар ва юз минглаб сўмларда ҳисобланади.

РАПОда келгуси йилда ҳам 74 минг тонна узумни узиб олиш учун қанча одам кераклигини ҳисоблаб қўйишган: совхозларга бултургидек 4 минг узувчи керак, лекин куз охирида эмас, балки сентябрда. Бу масала қандай ҳал этилади?

Эҳтимол, баъзилар ҳозирдан жар солишга эрта дейишар? Йўқ, эрта эмас, нарядсиз усулда ишлаётган бригадалар ҳар қандай йўқотишлардан холи бўлишга ишонишлари керак. Дарвоқе, пудратчи коллективлар учун четдан ёрдамчи жалб этиш ўнғай эмас. Лекин бу ўринда ҳеч нарса қилолмайсиз: ҳозирча узум узадиган машина йўқ. Лекин...

### ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛАЯПТИ

Гап машина ҳақида эмас, «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» совхозида бир йил олдин ташкил этилган тажриба бригадаси тўғрисида. Синовнинг мазмуни бригадани хўжалик ҳисоби элементлари билан пудратга ўтказишдан иборат.

Бригадага тажрибали деҳқон Турдибой Эшимов бошчилик қилади. Унинг ихтиёрида токзор, боғ, озгина сабзавот даласи бор. Коллективнинг ерга ишлов берадиган ва маҳсулот ташийдиган техникаси ҳам мавжуд. Ҳар бири 15 кишидан иборат иккита звено ишлаб турибди. Мазкур бригада маҳсулотни истеъмолчига жўнатишгача бўлган жами ишлаб чиқариш муаммоларини тўласинча мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Т. Эшимов бригадаси совхоз билан шартнома имзолаган, унда барча шарт-шароит ифода этилган. Улардан энг асосийси — коллектив пировард натижани кўзлаб ишлашида. Пулни ҳам сотилган маҳсулот учун олишади. Эътиборга сазовор жиҳат: пландан ташқари топширилган маҳсулот учун бригаданинг ҳамма аъзолари натура ҳақи тарзида тақдирланишлари керак.

— Тажриба қандай натижалар бераяпти?

Биринчидан, деҳқонлар бутун мавсум мобайнида ёрдамчиларсиз ишлашди. Умумиттифоқ фондига пландаги 90 тонна ўрнига 180 тонна узум, 170 тонна олма жўнатилди.

Иккинчидан, мазкур бригада жўнатган узумнинг 1 килограмми ҳам қайтиб келгани йўқ. Дарвоқе, юкни уларнинг ўзлари ёрдамчиларсиз жўнатишган. Яшикларни вагонларга пухта жойлаштиришган. Маҳсулот истеъмолчига сифатли етиб борган.

Учинчидан, коллектив сарфлаган ҳар сўм эвазига 3 сўм даромад кўрган. Бу звено аъзоларининг ҳар бири 1985 йилдагига нисбатан деярли икки ҳисса кўп ҳақ олишди, деган маънони билдиради.

Хўш, Т. Эшимов бригадасининг сир-синоати нимада?

— Ҳеч қанақа сир йўқ,— дейди бригадир. — Меҳнатни оқилона ташкил этиш ва мустаҳкам интизомда. Эҳтимол, яна озгина ҳафсала ва иштиёқдадир.

— Райондаги бошқа бригадалар ҳам сизникидек натижага эришишга қодирми?

— Агар хоҳиш бўлса, бас!

Тўғри, булунғурликлар плани тўлмай қолишида объектив сабаблар бўлган. Лекин ҳамма нарсани унга тўнкаш ўринли эмас. Ахир районнинг ўзида ибрат олса арзийдиган тажриба бор-ку. Нега энди Т. Эшимов бригадаси иш тажрибаси бошқа хўжаликларда кенг ёйилмаяпти? Шундай қилинганда кўпгина муаммолар жойнинг ўзида ҳал бўларди.

**Е. ТАШЛИЦКИЙ.**

---

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТАСС ВА АПН ХАБАРЛАРИ

## ИККИ ЮЗ МИНГИНЧИ УЙ

ПРАГА. Ёш прагалик Алиса ва Владимир Томашековлар 1988 йилни янги шинам квартирада кутиб олдилар. Улар Праганинг қадимий Жижков районида уй тўйи ўтказдилар. Шаҳар миллий комитети уларга берган квартира юбилей квартираси, сўнгги 30 йил ичида ЧССР пойтахтида қурилган 200 мингинчи квартира эди. Чехословакия Компартияси ўтказаётган изчил социал сиёсат натижасида мамлакатда халқ ҳокимияти йилларида уй-жой фондининг ярмидан кўпроғи янгиланди. ЧССРда ҳозирги саккизинчи беш йилликнинг ўзидагина 480 мингтадан кўпроқ янги квартиралар қурилади.

## Г. МИСНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОНН. 1988 йил қуролсизланиш йўлида янги қадамлар қўйиш йили, умум Европа хонадонини қуриш йили бўлиши лозим. ГФР коммунистлари эса бу жараёнга ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Боннда маҳаллий ва чет эл журналистлари билан учрашган Германия Компартиясининг раиси Герберт Мис шу ҳақда гапирди.

Бизнинг қуролсизланиш, кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик жараёнини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссамиз, энг аввало, шундан иборат бўладики, биз урушга қарши ҳаракатни мустаҳкамлаш мақсадида ўз куч-ғайратларимизни оширамиз, деди Г. Мис. Ғарбий Германия коммунистларининг куч-ғайратлари, ядровий қуролсизланиш йўлида янги қадам қўйиш ҳақидаги талаблар билан бир қаторда, ГФР ҳарбий бюджетини қисқартириш, унинг ҳарбий саноатини аста-секин тинч ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳамда социалистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилади.

Янги йилда Германия Компартияси фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши тобора авж олиб бораётган ишсизликка қарши курашдан иборат бўлади, деб таъкидлади Г. Мис. Биз пўлат эритувчилар, кончилар ва кемасозларнинг иш жойлари сақланиб қолиши учун курашини фаол қўллаб-қувватлаймиз. Бу кураш авж олиб бормоқда ва мамлакатда тобора кенг қўллаб-қувватланмоқда.

## ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА

НЬЮ-ЙОРК. БМТнинг космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш комитети раиси Петер Янкович (Австрия) совет космонавти Юрий Романенкони 326 кун давом этган рекорд космик парвози муваффақиятли тугаши билан табриклади. «Учувчи бошқарадиган «Мир» космик станциясида 326 кун парвоз қилиб, ерга эсон-омон қайтиб келганингиз учун сизни ана шу рекорд натижа билан табриклашни истайман, — дейилади комитет раисининг пайшанба куни БМТ қароргоҳида эълон қилинган баёнотида. — Илмий дунёнинг куч-ғайрати ҳозирги замон космик техникасида мўъжизалар яратилишига олиб келган бўлса ҳам, космик фазони тадқиқ этишни сиз каби жасур кишилар ҳиссасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишончим комилки, космик фазони тинч тадқиқ этишда совет космонавтлари ва олимлари бундан буён ҳам етакчи роль ўйнайдилар», — деб таъкидланади сўнгра баёнотда.

## ҚОР БИЛАН «ЖАНГ»

САН-ФРАНЦИСКО. Мамлакатнинг марказий ва жанубий штатларида яшайдиган миллионлаб америкаликлар ҳозир қор билан «жанг» қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ерга Арктика бўронлари қаттиқ совуқ, муз ва ажал келтирди. Сўнгги ҳафтадагина об-ҳавонинг ноқулай келиши 33 кишининг ёстиғини қуритди. Одатда ҳамиша иссиқ бўладиган районлардаги аҳоли пунктлари айниқса оғир аҳволда қолди. Бу йилги қиш сўнгги уч йил ичидаги энг қаттиқ қишдир, дейишмоқда синоптиклар.

Юзлаб километр йўлда транспорт тўхтаб қолди. Электр линиялари, алоқа узилди. Арканзас штатидаги йўллардан бирида қор уюмлари ва авариялар сабабли 125 та оғир юк автофургонлари деярли бир кеча-кундуз қаторасига туриб қолди. Теннесси штатидаги Менфис шаҳрида ҳаёт тўла издан чиқди. Шаҳарни 60 сантиметр қалинликда қор босди, муниципалитетдаги барча воситалар — йўлларни қордан тозалайдиган учта кичик машина ҳам ҳеч иш бермай қолди. Полициянинг патруль машиналари, «тез ёрдам» фургонлари ва ўт ўчириш автомобиллари жойидан қўзғала олмаяпти.

## АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

**КОБУЛ. (ТАСС). Планетамизнинг кўпгина шаҳарлари кўчаларида миллионлаб кишилар велосипед миниб, у ёқдан бу ёққа кезиб юришади. Бундан Кобул ҳам мустасно эмас. Автомобиллар кўп, кўчалари ноқулай шаҳарда велосипед энг ишончли ва арзон транспорт воситасидир. Афсус қиладиган томони шундаки, велосипед четдан келтирилади. Бу уларнинг нархига ва запас қисмлар билан таъминланишига таъсир қилади, албатта.**

**Аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, яқинда Афғонистон пойтахтида велосипед фабрикаси қуришга қарор қилинди. Мана хушхабар ҳам келди, фабрика бир неча кундан кейин велосипед ишлаб чиқара бошлайди. Дастлаб йилига 40 мингта велосипед тайёрлайди. Фабрика аралаш корхона ҳисобланади, капитал маблағнинг 60 процентини давлат маблағи, 40 процентини хусусий корхона эгалари маблағи ташкил этади. Фабрика совет мутахассислари билан ҳамкорликда барпо этилмоқда. Яқин келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш планлаштирилмоқда. Ана ўшанда Совет, Хитой, Англия велосипедлари орасида «Афғонистонда тайёрланган» деган маркали велосипедлар тез-тез учрайдиган бўлади.**

## ЛИВАН ЖАНУБИДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

БАЙРУТ. (ТАСС). «Жанубий Ливан қўғирчоқ армияси»нинг жазо отрядлари ўтган кеча-кундузда «хавфсизлик зонаси» деб аталган зона чегараси яқинида жойлашган районни синчиклаб текшириб чиқдилар. Бу зонани Ливан жанубидаги босиб олинган территорияда Тель-Авив ғайриқонуний равишда тузган. Жазо отрядлари икки соат давомида тартибсиз ўт очиб, сўнгра Даллаф қишлоғига бостириб кириб, деҳқонларнинг уйларида тинтув ўтказдилар.

Жанубий Ливаннинг Тайбе аҳоли пунктида исроилликлар 12 боланинг онаси бўлган 55 яшар аёлни қамоққа олдилар. Исроил авиацияси самолётлари ўтган кеча-кундузда Ливаннинг жанубий райони устида разведка мақсадида учиб юрди.

Ливан ватанпарварлари қаршилик фронтининг жангчилари интервентларнинг ва улар гумашталарининг Шакра, Хаула ҳамда Рихан қишлоқлари яқинидаги позицияларига ракеталар отдилар. Душманнинг бир қанча солдати ўлган ва жароҳатланган.

Байрутда Ливан университетининг қишлоқ хўжалик факультети декани доктор Муин Ҳамзага суиқасд қилинган. У оғир аҳволда госпиталга олиб келинган. Университет студентлари бугун реакцион гуруҳларнинг ана шу жиноятига қарши норозилик белгиси остида бир кунлик намойиш ўтказмоқдалар.

